
Буюк шоир ва мутафаккир таваллуди кенг нишонланмоқда

Қува туманида сўз мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган турли адабий кечалар, мушоиралар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тумандаги Ахборот кутубхона марказида буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими мутасаддилари, маданият бўлими, маънавият тарғиботчилари, аҳоли вакиллари ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда буюк мутафаккир ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилди. Сўз мулкининг султони, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ижоди ва ҳаёт йўли орқали бутун инсониятга улкан мерос қолдиргани, уни ўрганиш ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бадиий кечада тумандаги иқтидорли ўқувчи ёшлар, маданият бўлимининг ходимлари томонидан тайёрланган дастур, шоир асарлари асосида яратилган сахна кўринишлари намойиш этилиб, Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди, қўшиқлар ижро этилди.

2023-02-09 17:50:40